
Собиқ мол бозори бўйича чиқарилган мурожаатга муносабат

Ижтимоий тармоқлар ҳамда youtube ижтимоий тармоғининг Халқ ҳақиқати канали орқали Усмонов Музаффар томонидан Катта турк МФЙда жойлашган собиқ Мол бозори юзасидан чиқарилган мурожаат бўйича қуйидагилар маълум қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли Фармони ижросини таминлаш мақсадида , Катта турк маҳалла фуқаролар йиғини Катта турк қишлоғида жойлашган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган аҳоли пунктлари тоифасидаги ер майдонидан жами 7500.0 кв.м, ер майдони “Қишлоққурилишинвест” ихтисослаштирилган шўбъа инжиниринг компанияси Фарғона вилояти филиалига 3 та 4 қаватли 24 хонадонли турар-жой биноси қурилиши учун туман ҳокимининг 2019 йил 25 декабр куни қабул қилинган қарори билан “Қишлоққурилишинвест” ихтисослаштирилган шўбъа инжиниринг компанияси Фарғона вилояти филиалига бириктирилган.

Шунингдек Данғара тумани Халқ қабулхонасида туман ҳокими иштирокида бўлиб ўтган қабул жараёнида фуқаро Музаффар Усмоновнинг Собиқ молхона бозори бўйича барча мурожаатларига туман ҳокими томонидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар бериб ўтилган.

2023-09-13 19:02:31